



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДЎСТИК RIШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ БОСҚИЧ



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 14-15 июль кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Тошкентда ўтган музокараларда Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов Қўшма баёнот имзоладилар. Унда эришилган асосий келишувлар мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли вазифалар белгиланган.

Шунингдек, давлат раҳбарлари хузурида икки мамлакат вазирлик ва идоралари раҳбарлари томонидан битимлар имзоланди. Жами 19 та ҳужжатга имзо чекилди.

Ишонимизки, самимий ва дўстона мулоқотлар, Ўзбекистон — Туркменистон ўртасида имзоланган, ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларини қамраб олган ҳужжатлар амалий шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман, Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи кун тартибининг кенглиги ва эришилган келишувларнинг аҳамиятига кўра, икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очган муҳим воқеа бўлди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида парламентларо мулоқот мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашнинг муҳим қисмига айлангани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Туркменистон Миллий Кенгаши хузурида ташкил этилган парламентларо дўстлик гуруҳларининг фаолияти алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Самарқанд халқро аэропортида уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Самарқандга ташрифи Ислон Каримов мақбараси зиёратидан бошланди. У давлатимиз раҳбари билан биргаликда мажмуага бориб, Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйди. Қуръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди.

Бу халқимизга бўлган ҳурмат, қардошларга хос оқибат ифодаси бўлди.

Туркменистонлик меҳмонлар Мирзо Улуғбек музей-мажмуасини бориб кўрди.

Ушбу мажмуа буюк олим қурдирган расадхона ёнида ташкил этилган. Музей икки зал ва опти бўлимдан иборат. Ундан Мирзо Улуғбек даврига оид юздан зиёд ашёлар, китоблар, қўлёзмалар, асл нусхадаги квадрант асбоби ўрин олган.

Буюк бобомизнинг нодир расадхонаси, юксак илму заковати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари Амир Темур мақбарасини ҳам зиёрат қилди. Бобокалонимиз руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Меҳмонларга буюк Соҳибқироннинг ҳаёти, саркардалик маҳорати, улкан давлати ҳақида сўзлаб берилди. Маълумки, Амир Темур ўзи идора қилган ўлкаларда илм, маданият, савдо ва ҳунармандликни ривожлантирган, мустаҳкам обидалар қурдирган. Хусусан, ҳозирги Марказий Осиё давлатларида Соҳибқирон бобомизнинг мероси алоҳида қадрланади.

Давлат раҳбарлари Регистон мажмуасига ташриф буюрди.

Мажмуадаги уч муҳташам обида — Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллоқор мадрасаларининг тарихи ҳақида сўзлаб берилди. Халқимизнинг меъморчилик анъаналари, мадрасалардаги нақшлар ва улардаги маънолар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедов шу ерда эсдалик учун суратга тушди.

Шу билан Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунланди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ САМАРҚАНДАГИ БУЊЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 июль куни Имом Бухорий қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилиниб, дуо ўқилди.

Маълумки, бу улуғ бобомиз мақбараси ислом олами учун табаррук зиёратгоҳлардан бири. Бугунги кунда мажмуа шунга муносиб қилиб қайта қурилмоқда. Қарийб 10 минг намозхонга мўлжалланган масжид, тўртта минора, айвонлар барпо этилмоқда. Мажмуа ёнида меҳмонхоналар, автотурагоҳ, автобекат, ошхоналар, савдо расталари, таҳоратхоналар қурилади.

Давлатимиз раҳбари шу борадаги ишларни кўздан кечирди, зиёратчиларга барча қулайликларни яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Иншооллоҳ, бу мажмуа очилганидан кейин зиёратчилар янада кўпаяди. Айниқса, нурунийлар кўп келади. Улар учун барча қулайликларни инобатга олиш керак. Бу жой нафақат диний ва маърифий, балки улкан маданий марказ ҳам бўлиши зарур. Шу боис, энг яхши гулчиларни олиб келиб, мажмуани кишин-ёзин гулзор қилиб қўйиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Буткул янгича қиёфа касб этаётган мажмуа зиёрат туризмнинг йирик марказларидан бирига айланиши учун барча

имкониятлар мавжудлиги, улардан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз Самарқанд туманида барпо этилаётган Туризм марказини ҳам бориб кўрди.

Бу ерда 8 та меҳмонхона, конгресс холл, “Абадий шаҳар” қарвонсаройи қурилмоқда. Эшак эшиш канали тартибга келтирилиб, атрофда боғ яратилмоқда.

Умуман, ушбу мажмуа туризм соҳасидаги барча халқро стандартларга мослиги, энг замонавий хизмат кўрсатиш салоҳияти билан нафақат Самарқанд вилояти ва мамлакатимиз, балки бутун минтақада туризм индустриясини янги бошқича кўтарди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда йирик халқро анжуманлар ўтказиш учун замонавий шароитлар яратиш, халқимизнинг маданияти, маърифати, миллий таомларини намоен этиш бўйича тавсиялар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқандга ташрифи якунланди.

ЎЗА

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландровоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиршини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БАҒРИКЕНГЛИК, КЕЧИРИМЛИЛИК, АФВ ҚАДРИЯТИ

сўнган умидлар яна шуъла сочмоқда

Мамлакатимизда эркин демократик давлат, очик фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилаётган эътибор “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни рўёбга чиқаришда муҳим дастуруламал бўлаётди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлиши шубҳасиз.

Сўнги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида жиноий жазолар либераллаштирилиши, амнистия ва ярашув институтларини қўллаш, пробация хизматини жорий этиш борасидаги ишлар жамиятда адолат тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, билиб-билмай ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларга бағрикенглик кўрсатилаётгани мамлакатимизда юрийтилаётган инсонпарварлик сиёсатининг юксак намунаси.

Шу ўринда айтиш жоизки, суд-ҳуқуқ соҳасига доир асосий қонун ва кодекслар бундан деярли 20-25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ҳозирги давр талабларига мутлақо жавоб бермади. Шу сабабли парламент олдида янги йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процес-

суал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгидан қабул қилиш вазифаси турибди. Бинобарин, қонунчиликни янгилашдан мақсад фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар одамларга қандай наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгилаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қўллаб-қувватлаш мамлакатларда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати ва уларга таъсир этишининг энг самарали, айни пайтда истиқболли усул ва методларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш масалалари турлича ҳал этилган.

▶ Давоми 3-бетда

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ИККИ МАМЛАКАТ ХАЛҚЛАРИНИНГ КЎП АСРЛИК ҚАРДОшлиК ТАРИХИДА МУҲИМ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Хорижий экспертлар ҳамжамияти вакиллари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг 14-15 июль кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи, унинг доирасидаги тадбирлар, жумладан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан ўтказилган музокаралар натижаларини эътироф этмоқда.

Максим Вилисов, Россия Фанлар академиясининг Ижтимоий фанлар бўйича илмий ахборот институти Фанларо тадқиқотлар маркази етакчи илмий ходими:

— Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тошкентда давлат ташрифи билан бўлди. Бу Туркменистоннинг 2022 йил март ойида сайланган янги Президентининг хорижга учинчи сафаридир. Ўзбекистонга ташриф икки давлат учун яхши қўшничилик муносабатлари аҳамиятини

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ГИГАНТ КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

“Uzbekistan GTL” заводида нафта ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани келгусида камида 1 минг 200 та янги хусусий корхона ва 12 мингта иш ўрни ташкил этилиши учун асос яратади.



▶ Давоми 2-бетда

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ИККИ МАМЛАКАТ ХАЛҚЛАРИНИНГ КЎП АСРЛИК ҚАРДОШЛИК ТАРИХИДА МУҲИМ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Бошланиш 1-бетда

Айниқса, минтақада хавфсизликни таъминлаш масалалари алоҳида мавзу ҳисобланади. Давлат раҳбарлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кўплаб йўналишлари бўйича ўз позициялари юзасидан фикр алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Чунки экспертлар куз фаслида инфляциянинг ўсиши, айниқса, энергетика ресурслари, озиқ-овқат ва саноят маҳсулотларидаги узилишлар оқибатида ижтимоий муаммолар кучайиши кўринишидаги инқирознинг янги тўқниги келиб чиқиши мумкинлигини башорат қилмоқда.

Бугун позициялари ўзаро мувофиқлаштириб олиш давлат етакчиларига бошқа хорижий ҳамкорлар билан музокараларга, жумладан, келаси ҳафтада Бишкекда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувиغا пухта тайёргарлик кўриш имконини бери.

Чжан Хонпин, Хитойнинг "Шинжон Осиё — Европа халқаро савдо маркази" компанияси раиси:

— Аввало, Сердар Бердимухамедов Туркменистон Президенти этиб сайланган, Ўзбекистонга Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб ташриф буюрганга эътибор қаратмоқчиман. Бу Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги яқин алоқалар, шунингдек, Ашхободнинг Тошкент билан ҳамкорликка қаратаётган алоҳида эътиборидан далолат беради.

Ташриф якунлари бўйича сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни мустахкамлашга қаратилган саломат ҳужжатлар тўплами имзолангани Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари янада ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигини аниқлатади.

Хусусан, ташриф доирасида 2022-2025 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноят кооперациясини ривожлантириш дастурини қабул қилинганга алоҳида эътибор қаратилди. Туркменистон муносабатлари янада ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигини аниқлатади.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари ўртасида ўтган музокаралар натижалари узоқ муддатли икки томонлама муносабатларнинг пойдворини янада мустахкамлашга хизмат қилади.

Виктор Ким, Тожикистон Миллий фанлар академиясининг Осиё ва Европа мамлакатлари институти катта илмий ходими:

— Ташриф якунлари икки давлат халқлари фаровонлиги йўлида яхши қўшничилик сиёсати руҳидаги муносабатларни ривожлантириш бўйича ўзаро эзгу ният ва интилишларни ифодалади. Бугунги ўзгарувчан дунёда алоқаларнинг барқарорлиги ва узлуксизлиги катта аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Туркменистон Президентининг давлат ташрифи икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарининг дахлсизлиги, шунингдек, бу борадаги йўналиш изчиллигининг яққол тасдиғи бўлди.

Динамик ва конструктив руҳда ўтган ташриф якунлари бўйича икки мамлакат ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклиги янада ривожлантириш бўйича асосий келишувларни мустахкамлаб, узоқ муддатли вазифалар белгилаб берилган Қўшма баёнот ва 19 та ҳужжат имзоланди. Транспорт-транс шохсидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги, Амударё сув ресурсларини бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги битимлар ҳамда 2022-2025 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноят кооперациясини ривожлантириш дастури муҳим ва истиқболли ҳужжатлар сирасига қиради.

Таъкидлаш жоизки, давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир қаторда минтақавий хавфсизлик ва тараққиёт масалаларига ҳам катта эътибор қаратилди. Афғонистондаги вазият ва бу давлатни тиклаш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатлар зарурлиги юзасидан фикр алмашилди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидаги платформаси алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустахкамлаш бўйича махсус резолюциядан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президенти Туркменистон томонига ушбу резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирилди.

Марказий Осиёда минтақавий жараёнлар ва кўп томонлама ҳамкорлик чуқурлашиши минтақадagi барча мамлакатлар тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилади.

Урс Шварц, Сингапурнинг "S.E.A. Business Centre Pte. Ltd." компанияси директори:

— Таъкидлаш жоизки, Туркменистоннинг янги Президенти Сердар Бердимухамедовнинг ташрифи

доирасидаги музокараларнинг асосий мавзуси икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлиги янада кенгайтириш масалалари бўлди.

Сўнги бир неча йил ичида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 5 баробар, яъни қарийб 1 миллиард долларгача ўсди, шунингдек, келгуси беш йилда уни яна икки баробарга ошириш режалари тасдиқланди. Бу нафақат икки давлатнинг иқтисодий алоқаларини фаоллаштиради, балки халқаро бизнес учун ҳам янги имкониятлар эшигини очади.

Шу нуқтаи назардан, ишлаб чиқариш кооперацияси лойиҳаларини амалга татиқ этиш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, чегара савдо зонасини ташкил этишни назарда тутувчи Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноят кооперациясини ривожлантириш дастури барча соҳалар ривожига самарали хизмат қилишига ишончим комил. Бу, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий алоқаларни мустахкамлашга ёрдам беради.

Ташриф натижасида эришилган кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича асосий келишувлар ҳамда узоқ муддатли вазифалар ўзбек ва туркман халқлари фаровонлиги йўлида тўлиқ амалга оширилишига ишонаман.

Лю Юй, Ўзбекистондаги Хитой корхоналари уюшмаси раиси:

— Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи муваффақиятли ва самарали якунланди.

Ташриф давомида турли соҳаларда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини янада ривожлантиришга оид 20 га яқин ҳужжат имзолангани музокараларнинг муваффақиятли натижалари ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклиги янада кенгайтириш бўйича асосий келишувлар ва узоқ муддатли вазифаларни белгилаб берган Қўшма баёнотни имзолагани ташрифининг энг муҳим натижаси бўлди, деб ҳисоблайман.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевнинг брифингига Туркменистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустахкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устуви йўналиши эканини таъкидлаганини алоҳида қайд этишни истардим. Ўзбекистон раҳбарининг бу сўзлари Тошкентнинг энг муҳим ташқи сиёсат йўналиши Марказий Осиё минтақаси эканини яна бир бор тасдиқлайди. Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари

туфайли бугунги кунда минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик юксак босқичга кўтарилди.

Ишончим комилки, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат халқларининг кўп асрлик қардошлиги тарихида мустахкам дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлашга асосланган муҳим босқични бошлаб берди.

Чин Ки Хун, Даэгу шаҳри ҳокимининг ўринбосари — халқаро алоқалар бўйича элчи, Корея Республикасининг Туркменистон ва Афғонистондаги собиқ элчиси:

— Жанубий Кореянинг Туркменистондаги собиқ элчиси сифатида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқалар ривожини катта қизиқиш билан кузатиб бораман.

Албатта, икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлиги ривожлантириш имкониятлари низоҳатда кенг.

Президент Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга ташрифи мавжуд салоҳиятдан кенроқ фойдаланиш учун янги имконият бўлди. Энг муҳими, томонлар минтақаларо муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Масалан, саммит арафасида Бухорода биринчи Ўзбекистон — Туркменистон ҳудудларо форуми бўлиб ўтди. Форум иштирокчилари инвестиция, қишлоқ ҳужаллиги, автомобилсозлик, кимё, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва электротехника санояти, савдо ҳамкорлиги каби истиқболли соҳаларга алоҳида эътибор қаратди.

Ҳудудларо алоқаларнинг истиқболлари нуқтаи назаридан шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши бутун Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун янги иқтисодий имкониятларни очиб беради.

Бу эса, ўз навбатида, Жанубий Кореянинг минтақа давлатлари билан алоқаларини янада кенгайтиришда ҳам жуда муҳим роль ўйнайди.

Эктор Родригес, Испаниянинг "СЕРСОБЕ" асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг Шарқий Европа ва МДҲ давлатлари билан ҳамкорлик бўлими бошлиғи:

— Давлатларро аънавий стратегик ҳамкорлик муносабатлари ҳар икки томоннинг баёнотлари билан яна бир бор тасдиқланди. Бу Марказий Осиёда минтақавий тараққиётнинг яхши қўшничилик ва қардошлик руҳи мавжудлигиндан далолат беради.

Туркменистон раҳбарининг Ўзбекистонга биринчи давлат ташрифи стратегик шериклик характе-

рига эга, қардош ўзбек ва туркман халқларининг азалий дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш аънавларига асосланган икки томонлама муносабатларни мустахкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Айни пайтда икки Марказий Осиё давлати ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ва томонларнинг миллий манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга интиломоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзаро ишончга асосланган сиёсати туфайли икки давлат ўртасида манфаатли ҳамкорлик жараёни жадал ривожланмоқда. Муносабатларнинг асосий векторларидан бири савдо-иқтисодий алоқалар бўлиб, улар доимо давлатларро мулоқотнинг устувор максалларига хизмат қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг изчил ўсиб бораётгани ҳам ушбу фикрни тасдиқлаб турибди.

Усмонали Муҳаммад, Саудия Арабистондаги туркман диаспораси вакили:

— Ватандан узоқда бўлсак-да, Ўзбекистон Президентининг 2021 йил апрель ойидаги Ашхобода ташрифи ва бунга жавобан Туркменистон Президентининг ташрифларини диққат билан кузатиб бормиз.

Мана шундай олий даражадаги мулоқотларнинг расмий ташрифлар билан фаоллашуви икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очиб, ўзаро ҳамкорлиги янги босқичга олиб чиқади.

Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари доимо зиддиятлардан холи бўлиб, фақатгина серқирра ҳамкорлик руҳида ривожланиб келган. Айниқса, сўнги опти йил давомида икки томонлама алоқалар янада мустахкамланди.

Хозирги кунда турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш учун улкан истиқболлар мавжуд. Олий ва юқори даражадаги ташрифлар алмашувининг фаоллашуви эса Ўзбекистон ва Туркменистоннинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга хизмат қилади.

Жумладан, Туркменистон денгизга чиқиш йўли бўлмаган Ўзбекистонни жаҳон бозорига энг қисқа йўл билан олиб чиқиш имкониятига эга давлатдир.

Ўзбекистон ҳам ўз салоҳиятидан келиб чиқиб, Туркменистоннинг газни қайта ишлаш ва аргосанот каби соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳаларда бевосита ва фаол иштирок этиши мумкин.

"Дунё" АА

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ГИГАНТ КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

Бошланиш 1-бетда

Чўл бағрида қад ростлаган, дунёдаги гигант корхоналардан бири бўлган "Uzbekistan GTL" заводиди шу йил июнь ойининг иккинчи ярмида асосий хомашё ҳисобланган синтез газ тайёрлашни йўлга қўйилиб, синтетик нефть ҳосил қилиниди ва унинг асосида дизель ёнилғи ишлаб чиқариш бошланди. Қуни кенча эса тайёрланган 6000 тоннадан зиёд GTL нафтаси учинчи маҳсулот сифатида улар сафини тўлдирди.

Янги корхонада йилга 3,6 миллиард метр куб табиий газ қайта ишланиб, қиймати 1,5 миллиард доллардан зиёд бўлган 1,5 миллион тонна қўшимча қийматли маҳсулот олинади. Жумладан, 307 минг тонна авиакеросин, 724 минг тонна дизель ёнилғи, 437 минг тонна нафта, 53 минг тонна сулфитрилган газ тайёрланади. Бу завод маҳсулотларининг мамлакат иқтисодиётида тенгсиз аҳамиятга эгаллигини далолат беради.

GTL ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИ

Бугунги кунда GTL технологиясига бутун дунёда талаб кун сайин ортиб борапти. Унинг асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан хомашё сифатида фойдаланган ҳолда янада юқори қўшилган қийматли янги турдаги товарлар тайёрлашни кўпайтиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Шундай экан, савол туғилади: GTL технологияси ўзи нима, бундай корхона қандай афзалликларга эга?

— Инглизча Gas to Liquids, яъни газдан суюқлик ҳосил қилиниши аниқлаштириш ушбу тушунча табиий газдан экологик тоза ҳамда замонавий ёнилғи турлари ва бошқа қийматбахо кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини ўзида мужассам этади, — дейди "Ўзбекнефтегаз" АЖ бошқаруви раиси Мехриддин Абдуллаев. — Мазкур технология асосида тайёрланган замонавий маҳсулотлар эко-

логик жиҳатдан сифатли ва тоза. Бутун дунё "яшил иқтисодиёт"га ўтаётган, савдо-сотикда бу борада талаблар қўётган ҳозирги кунда унга эҳтиёж тобора ортиб борапти. "Uzbekistan GTL" мажмуаси маҳсулотлари ҳам жаҳондаги энг юқори экологик талаблар ва стандартларга тўлиқ жавоб беради. Бу ерда тайёрланадиган синтетик ёнилғи аънавийнинг нисбатан 40 фоиз кам чиқинди ва зарарли газ ҳосил қилади. Бунинг ҳисобидан йилга 13 минг 500 тонна зарарли газ ҳавога тарқалишининг олди олинади.

Масалан, истеъмолчиларга етказиб берилаётган GTL дизель ёнилғиси юқори техник тавсифага эга ва таркибиде олтингургурт деярли йўқ. Шу боис, бу ёнилғидан атмосферага чиқит қиммайди. Унинг тоза ва тўлиқ ёнилғи эса двигателнинг фойдаланиш муддатини узайтириб, ёнилғи-мойлаш материалларини алмаштириш оралигини ошириш имконини беради. Завод бу маҳсулотни ўзлаштириганига ярим ой бўлганига қарамай, Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси платформалари орқали сотилгати ва унга талаб тобора ортиб борапти. Шу кунга қадар 20 минг тоннага яқин янги синтетик ёнилғи харидорларга етказиб берилди.

2022 йил 1 июль кунини Швейцариянинг SGS компаниясини "Uzbekistan GTL" заводиди ишлаб чиқарилаётган синтетик дизель ёнилғисининг мустақил лаборатория синовларини ўтказди. Унинг натижалари ушбу маҳсулотнинг барча параметрлари халқаро ва миллий стандартлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлади.

Ривожланган мамлакатларда нефть маҳсулотларидан фойдаланишда "Евро б" стандартига мувофиқлик талаб этилади. Ташхиллар "Uzbekistan GTL" заводиди тайёрланадиган шундай маҳсулотлар хатто "Евро б" мезонларига ҳам тўла жавоб беришини кўрсатяпти. Шу жиҳатдан Жанубий Африка Республикасининг "Sasol" компанияси вакили Ёхан Дегенаарнинг фикрлари эътиборни тортади:

— Бундай йирик лойиҳа қурилиши тарихда илк мартаба кузатилади. Завод кунига 37 минг баррел суяқ ёнилғи ишлаб чиқаради. Шу тарзда Ўзбекистон дунё миқёсида мазкур йўналишдаги етакчи давлатга айланади.

— Ута мураккаб технология асосида ишлаб чиқарила бошлаган GTL нафтаси ўз тоифасида энг яхши маҳсулотлар сирасига қиради, — дейди завод директори Фахриддин Абдураулов. — Уни ҳосил қилишда табиий газ, буғ ва кислород реакцияга киришда ҳамда 3000 даража иссиқликда углерод монооксиди ва водороддан иборат синтез газга айланади.

Сўнгра синтез газ Фишер-Тропш реакторларига юборилади, бу ерда инновацияни "Sasol Slurry Phase Distillation" (SPD) технологияси воситасида тўлиқ синтетик парафин, яъни синтетик нефть ҳосил бўлади. У селектив гидрокрекинг ва фракцияларга ажратиш жараёнидан ўтиб, GTL маҳсулотлари — GTL дизели, GTL керосини, GTL нафтаси ва сулфитрилган углеводород гази ишлаб чиқарилади.

GTL нафтаси таркибиде деярли ароматик углеводородлар еки олтингургурт йўқ. У этилен крекингини учун энг самарали хомашё ҳисобланади.

Этилен эса нефть-кимё саноятининг асосий тузилма элементларидан бири бўлиб, полиэтилен, полистирол ва бошқа пластмасса турларини ишлаб чиқаришда қўлланади.

Парафин GTL нафтаси таркибининг 98 фоизини ташкил этади. Мазкур микдор 65-75 фоиз атрофида бўлган стандарт таснифли оддий нефть кўрсаткичидан сезиларли даражада юқоридир.

"Uzbekistan GTL"да нафта ишлаб чиқариш йўлга қўйилган мамлакат нефть-газ тармоғиди янги давр жараёнлари изчил давом этатганининг яна бир амалий тасдиғидир.

Абдурауф ҚОРЖОБОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ДАВРА СУҲБАТИ

ТАШҚИ СИЁСАТДА "ЮМШОҚ КУЧ"

Тинчлик ва барқарор ривожланишга эришишда унинг аҳамияти қандай?

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди. Унда мазкур вазирлик ходимлари, дипломатлар, тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар қайд этганидек, сўнги йилларда замонавий дунё туб ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Инсоният қўллаб умумий ва янги — иқлим ўзгаришидан хавфли вируслар пандемиясигача, ўсиб бораётган геосиёсий қарама-қаршилиқдан глобал иқтисодиётдаги мураккаб муаммоларгача бўлган турли хатарларга дуч келаётди. Аксарият давлатлар олдида ижтимоий барқарорлиқни сақлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, миллий ўзлигини мустахкамлаш, ўз қадриятлари, аънавлари ва асосларини ҳимоя қилишдек муҳим вазифалар турибди. Бундай шароитда қўллаб давлатлар ҳамкор майдонда ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун янги шакл ва усуллардан фойдаланишга интиломоқда. Замонавий дунёда "юмшоқ куч"дан фойдаланиш ташқи сиёсатнинг энг самарали воситаларидан бири бўлиб қолмоқда.

— "Юмшоқ куч" давлатнинг ўз манфаатлари йўлида халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари хатти-ҳаракатига таъсир қилиши, қулай амалий натижаларга эришиш, нуфуз ва таъсирни мустахкамлаш, шунингдек, миллий ўзига хослигини тасдиқлаш мақсадида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда давлат ижобий имижига ва жозибдорлигини ташқи соҳада шакллантириш ва амалга ошириш қобилиятидир, — деди сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент Шўҳрат Тожиев. — Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ва прагматик хусусиятига эга ташқи сиёсати сезиларли фаоллашуви шароитида "юмшоқ куч" моделини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай сиёсат минтақавий ва халқаро миқёсдаги узоқ муддатли мақсадларга эришиш, миллий хавфсизлик ва жадал ривожланишнинг таъминлаш учун қулай ташқи шароит яратишга хизмат қилади.



"Юмшоқ куч" давлатнинг ўз манфаатлари йўлида халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари хатти-ҳаракатига таъсир қилиш, қулай амалий натижаларга эришиш, нуфуз ва таъсирни мустахкамлаш, шунингдек, миллий ўзига хослигини тасдиқлаш мақсадида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда давлат ижобий имижига ва жозибдорлигини ташқи соҳада шакллантириш ва амалга ошириш қобилиятидир.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларида шаклланган ўзига хос "юмшоқ куч" концепциясини амалга ошириш учун тарихан ноёб салоҳиятга эга. Ўзбекистонда ижобий миллий имижини самарали илгари суриш, халқаро кун тартибинини шакллантиришга таъсир кўрсатиш ва ташқи соҳада миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун деярли барча бирламчи объектив ва субъектив ресурслар, механизм ва воситалар мавжуд. "Юмшоқ куч" миллий концепциясини ҳаётга татиқ этишда халқимизнинг жаҳонга машҳур тарихий, маданий ва маънавий қадриятлари, қадимий мезморлиги ва ўзига хос аънавлари алоҳида аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг пухта ўйланган ташқи сиёсати туфайли халқ, оммавий ва ҳудудларо дипломатия фаол ривожланиб, хориждаги ватандошларимиз ва диаспоралар билан тизимли ишлар олиб борилаётгани ташқи сиёсатнинг инсонпарварлигидан далолатдир.

Бу борада энг муҳими шундаки, Ўзбекистоннинг, авваламбор,

Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

БАҒРИКЕНГЛИК, КЕЧИРИМЛИЛИК, АФВ ҚАДРИЯТИ

сўнган умидлар яна шуъла сочмоқда



Гулнору АЪЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланғичи 1-бетда

Жумладан, Финляндия, Швейцария, Германия, Буюк Британия ва АҚШда жазони ижро этувчи муассаса ва органларнинг ҳар хил тизимларини шакллантириш, жазони ўташ даврида маҳкумлар билан муомала қилишнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, маҳкумларни тоифалаш ҳамда уларга нисбатан дифференциал тарзда ёндашув борасида бой амалий таъриба тўпланган. Жазони ўташ субъектлари асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг халқаро стандартлар, хорижий давлатларнинг илгор таърибалари инобатга олинган ҳолда жазони ижро этиш тизими тубдан такомиллаштирилиб, йиллар давомида тўплови қолган муаммолар бирин-кетин ўз ечимини топмоқда.

Мамлакатимизда ҳам охириги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ишлар замонавийлашиб бормоқда. Жумладан, охириги беш йилда маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада такомиллаштиришга қаратилган 3 та қонун, ўттиздан зиёд бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 11 августдаги қарорига мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳаси тубдан такомиллаштирилиб, маҳкумларнинг ҳуқуқлари доираси кенгайтирилди.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Маҳкумлар ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг шаффоф ва янада самарали ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ижтимоий ҳаффи катта ва унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумларга илк маротаба сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти яратилди. Маҳкумларнинг таъмин олиш ва касб-ҳунар эгаллаши бўйича ҳуқуқий қафолат мустаҳкамлашиб, ўқувчи маҳкумларга жазони ижро этиш коло-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖАЗОЛАР ИЖРО ЭТИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БОШҚАРАМИС НЕГИЗИДА ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. БУ ФАОЛИЯТ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИ ЖАМИЯТДАН, ОИЛАСИДАН АЖРАТМАГАН ҲОЛДА, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН УЗВИЙ ҲАМКОРЛИҚДА АХЛОҚАН ТУЗАТИШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШНИ НАЗОРАТДА ТУТАДИ. БУНДАН МАҚСАД — ҚАЙТА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.

ниязларига яқин ҳудудда жойлашган мактабларнинг ўқитувчилари давлат таълим стандартлари талабига мос таълим бериб келмоқда.

Бундан ташқари, тергов ҳибсхоналари ва ёпиқ турдаги колонияларда адвокат билан учрашув хоналари қайта жиҳозланиб, адвокатлар учун видеокузатув воситаларисиз ҳамда эшитиш мосламаларисиз алоҳида хоналар ташкил этилди. Шунингдек, тергов ҳибсхоналаридаги терговчилар хоналарига замон талабларига жавоб берадиган овоз эшига мўлжалланган жами 123 дона видеокузатув мосламаси ўрнатилиб, ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигиغا Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 2015 йил 17 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари" (Нельсон Мандела қоидалари) жорий қилинди. Жумладан, маҳкумларнинг психологик ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи қафолатланди. Маҳкумларнинг иш ҳақидан ижтимоий суғурта ажратилмаслиги белгиланиб, пенсия таъминотига эга бўлиши таъминланди ҳамда ёпиқ турдаги колониялардаги маҳкумларнинг телефон сўзлашуви, йўқлов ва учрашув сонини қарийб икки баробар кўпайтирилди.

Барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Департамент бўйсунувиغا ўтказилди. Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Департамент

тизимда ташкил этилган 6 та минтақавий мувофиқлаштириш маркази зиммасига юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон қадрини юксалтиришга қаратилган бундай муҳим чора-тадбирларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, стратегиянинг "Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш" йўналишининг 14-мақсадида маҳкумларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига оид нормалар киритилиши белгиланган. Шу билан бирга, озодликдан маҳрум этилган шахсларга жазони ўташ шартларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш, меҳнатга жалб этилган маҳкумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибинини жорий этиш каби вазифалар белгиланган. Бу маҳкумларнинг ижтимоий ҳимояси ва меҳнат ҳуқуқларининг таъминла-ниши ҳамда қийноқларнинг олдини олишдаги муҳим қадамлардан саналади.

Қайд этиш лозимки, 2019 йилда Омбудсман ҳузурида ташкил этилган Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм доирасида шу кунга қадар ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларга жамоатчилик вакиллари билан биргаликда 350 га яқин мониторинг ташрифлари амалга оширилган. Мониторингларда муассасаларда сақланаётган шахсларнинг яшаш шартлари, озиқ-овқат таъминоти, керакли тиббий хизмат кўрсатилиши, руҳий ёки жисмоний босимлар мавжуд ва мавжуд эмаслиги ўрганилмоқда.

ИНСОН ДУНЁДА УМИД БИЛАН ЯШАЙДИ. АММО ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА ГОҲИДА БОШИ БЕРК КЎЧАГА КИРИБ АДАШАДИ ВА БОР УМИДИ СЎНАДИ. ШУНДАЙ ВАЗИЯТДА БУНДАЙ ИНСОНЛАРГА КЎРСАТИЛГАН ЭЪТИБОР, БЕРИЛГАН КЎМАК НАТИЖАСИДА ЭРКИНЛИК, ОЗОДЛИК, ҚАДР, ШУҚР, КЕЧИРИМЛИЛИК ВА АФВ КАБИ ИНСОНИЙ ТУШУНЧАЛАР ТУФАЙЛИ ЯНГИДАН ҲАЁТ БОШЛАШГА МУШАРРАФ БЎЛГАН ИНСОН ҚАЛБИДА СЎНГАН УМИДЛАР ЯНА ШУЪЛА СОЧИШИ БОР ҲАҚИҚАТ.

Аниқланган камчиликлар бўйича масъул ташкилотларга бартафот этиш ва чора кўриш бўйича тавсиялар бериляпти. Натижада сўнгги йилларда пенитенциар муассасалардаги шароитлар халқаро стандартлар даражасига етказилмоқда.


Тараққиёт стратегиясидаги муҳим вазифалардан яна бири — озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"ни жорий қилиш орқали уларнинг ижтимоий мослашуви механизмининг такомиллаштиришидир. Қайд этиш лозимки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳам жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашиш борасида самарали ишлар амалга оширилган эди. Президентимизнинг 2018 йил 7 ноябрдаги "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада янги ислохотларни бошлаб берди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилакти-

каси бош бошқармасининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижро этилишини назорат қилиш бошқармаси негизда Пробация хизмати ташкил этилди. Бу фаолият жиноят содир этган шахсларни жамиятдан, оиласидан ажратмаган ҳолда, кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда ахлоқан тузатиш ишларини олиб боришни назоратда тутати. Бундан мақсад — қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш.

Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Туркия, Швеция, Япония каби давлатларда ушбу хизмат самарали йўлга қўйилган. Мамлакатимизда бу хизмат жорий этилиши муносабати билан 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ички ишлар вазирлиги академиясида жиний жазоларни ижро этиш фаолияти мутахассислиги бўйича ўқитиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан келиб тушадиган ушланмаларнинг 50 фоизи ҳисобидан шакллантирилмаган Пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

Жиноят содир этган шахсга озодликдан маҳрум қилиш бўйича жазо тайинлаш давлат ва унинг сиёсати, иқтисодийёт, жамият ва албатта, ўша шахснинг ўзига қатор муаммолар келтириб чиқаради. Пробация хизмати қўлланданга эса маҳкум, аввало, оиласи бағрида бўлади, тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланади. Қолаверса, унга касб-ҳунар ўргатилади, ишга жойлаштирилади, бир сўз билан айтганда, ижтимоий фаол бўлади. Бу билан у ўзини ноҳўя йўллардан қутқаради, оиласига фойда келтиради, мамлакат ривожини унча хизмат қилади.



ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Юртимизда муҳим сиёсий жараён — конституциявий ислохотлар қизгин давом этмоқда. Маълумотларга қўра, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси даврида халқимиздан 85 мингдан ортиқ таклиф келиб тушган. Таклифлар сони кўпчилиги, аввало, халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалаётгани, ҳар бир инсонда юрт тақдирга дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганидан далолат беради.

Гулнора МАРУФОВА, Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси

Шу жиҳатлар эътиборга олинб, кунги кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси муддатини 1 августга узайтириш билан боғлиқ қарор қабул қилинди. Айни пайтда барча шаҳар ва туманларда, маҳалла ва қишлоқларда Конституциявий қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш, инсон қадрини улуглаш эзгу қадрият даражасига кўтарилиди. Президентимиз жорий йил 20 июнь кунги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда бу борадаги хайрли ишларни изчил давом эттириш мақсадида "Инсон қадри учун" ғоясини Конституциямизнинг мазмунига чуқур сингдириш таклифини илгари сурди.

Инсон қадри ҳақида сўз борар экан, бу хайрли ишларнинг самараси аёлларга бўлган эътиборда янада ойдинлашади. Зеро, аёл оила ва жамиятда барқарорлик муҳитининг яратувчиси, соғлом авлод тарбиясидир. Шу боис, ҳар бир жамиятнинг ривожланиш даражаси аёлга бўлган эътиборга қараб баҳоланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаат-



Шу билан бирга, мамлакатда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 баробарга қисқартиришга бағишланган 85-мақсад доирасида аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баробар камайтириш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Айни кунларда эса Бош қонунимизнинг 37-моддасига киритилаётган қўшимчага қўшимчага қўшимчага ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатилиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши юзасидан таклиф илгари сурилмоқда.

Умумхалқ муҳокамаси жараёнида қўллаб-қувватлашнинг томонидан ушбу нормани қўллаб-қувватловчи мурожаатлар келиб тушди. Бундан кўринадики, аёлларимиз нафақат

АЙНИ КУНЛАРДА ЭСА БОШ ҚОНУНИМИЗНИНГ 37-МОДДАСИГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАГА МУВОФИҚ, ҲОМИЛАДОРЛИГИ ЁКИ БОЛАСИ БОРЛИГИ САБАБЛИ АЁЛЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ, ИШДАН БЎШАТИШ ВА УЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИНИ КАМАЙТИРИШ ТАҚИҚЛАНИШИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФ ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА.

ларини ҳимоялаш, гендер тенгликни таъминлаш, оила ва жамиятда аёллар ўрнини юксалтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Аммо бу борада ҳали бир қатор муаммолар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайдим. Масалан, айрим иш берувчиларнинг аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани бўлгани сабабли ишга қабул қилмаслиги, ишдан бўшатилиш ёки иш ҳақини камайтириш ҳолатларига йўл қўйишига дуч келамиз. Ана шундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Бош қонунимизда ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатилиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилиши шартлиги қайд этилаётгани жуда қувонарли.

Бу масала Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам кўзда тутилган. Хусусан, стратегиянинг 69-мақсадида доирасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, муносиб иш топшишига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхши-лаш, даромадини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш кўзда тутилган.

ислохотларнинг фаол ташаббускори, балки иштирокчиси эканини намоён қилмоқда.

Ҳомиладор ва ёш болали аёлларни камситиш ҳолатларини тақиқловчи меъёрилар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ҳам мавжуд. Мазкур норма Ўзбекистон қўшилган Халқаро меҳнат ташкилотининг Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциясида мустаҳкамланган. Чунки, конвенциянинг 6-моддасида: "Аёл ушбу конвенциянинг қоидаларига мувофиқ, унга бериладиган оналик таътили асосида ишдан бўлмаса ва шу пайтда иш берувчи томонидан ушбу аёлни ишдан бўшатилиш тўғрисида буйруқ қабул қилинса ёки ушбу аёлнинг бундай таътили пайтида муддатга тугайдиган буйруқ қабул қилинса, бундай буйруқ ноқонуний ҳисобланади", деб белгилаб қўйилган.

Бош қонунимизнинг 37-моддасига киритилиши таклиф этилаётган қўшимча меҳнат соҳасида гендер тенгликка эришиш, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, норасмий меҳнат муносабатларини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатланиши ва халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрни юқорилашига муҳим замин яратеди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Усмонали НОРМАТОВ,
журналист

Аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, худудларда шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жой, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши бўйича Сурхондарё вилоятида катта ҳажмдаги ишлар бажариляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонидан сўнг бу борадаги савй-ҳаракатлар янада жонланди.

Фармон ижроси доирасида 2022-2026 йиллар мобайнида вилоятнинг Ангор туманидаги Шарқ гули, Жарқўрғон туманидаги Қораянтоқ, Сароисиё туманидаги Лутфиқор, Бойсун туманидаги Мустақиллик маҳаллалари худудиде кўплаб уй-жой ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиш кўзда тутилган.

Шарқ гули маҳалласи худудидан ажратилган 11,5 гектар ерда 408 та оилага мўлжалланган 17 та, Қораянтоқ маҳалласида 24,5 гектар майдонда 458 та хонадонга мўлжалланган 20 та, Лутфиқор маҳалласида 31 гектар ерда 708 та хонадонга мўлжалланган 19 та, Мустақиллик маҳалласида 7,7 гектар ерда 200 та оилага мўлжалланган 10 та кўп қаватли уй қурилади. Шунингдек, массивлардаги янги уй-жойларда яшайдиган аҳоли учун мактаб, болалар бочқаси ва тиббиёт шохобчалари бунёд этилади.

Айни дамларда “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши жадал суръатларда давом этапти. Сароисиё туманидаги Лутфиқор маҳалласида “Уй-жой қурилиш инвест”, “Абдор кафолат сифат”, “Омар Рухин инвестмент” МЧЖлар ва “Жавоҳир — Жаҳонгир” хусусий корхонаси бунёдкорлари ҳар бири 20 та хонадонга мўлжалланган 11 та 5 қаватли ҳамда 8 та 9 қаватли замонавий уй қураёттир. Қурилиш-монтаж ишлари март ойидан бошланган бўлиб, қурувчилар уйлари 2023 йил май ойида фойдаланишга топширишни режалаштирмоқда.

Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида барча кўп қаватли уйлarning биринчи қавати савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига мўлжаллаб қуриляпти.

Массивда “SarAZIA modern stroy” МЧЖ аъзолари 330 ўринли ихтисослашган мактаб биносини тиклаб бўлди. Бундан ташқари, тадбиркорларга худудда яна иккита савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти қуриш учун “Е-аукцион” орқали умумий майдони 14 сотихдан иборат ер ажратиб берилди. Шунингдек, массивда умумий майдони 3 гектардан иборат экзобозор ҳам барпо этилади.

Сароисиё туманида “Янги Ўзбекистон” массивидаги ишлар билан танишиш жараёнида бизга ҳамроҳлик қилган туман қурилиш бўлими бошлиғи Манучеҳр Сўфиевдан бир масалага аниқлик киритишни сўрадик. Бундан уч йил илгари туман ҳокимлиги идорасига яқин жойда қурилган кўп қаватли уй хонадонларидан чиқадиган оқова сув канализация тармоғига уланмагани, тўғрироқ, канализация йўқлиги аҳоли учун катта муаммага айланганди. Лутфиқор маҳалласи худуди туман марказидан анча олис. Бу ердаги кўп қаватли уйлardan чиқадиган оқова сув учун канализация тизими барпо этиладими?

— “Янги Ўзбекистон” массивидаги кўп қаватли уйлarning канализация ва сув таъминоти масаласида муаммо бўлмайди, — дейди Манучеҳр Сўфиев. — Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги “2019-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Сароисиё тумани ва Шарғун шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Сароисиё туманидаги Сароисиё шаҳарчаси қайта реконструкция қилинади. Шунга кўра, “УшшаҳарсозликЛИТИ” ДУК мутахассислари томонидан лойиҳа ишлари тўлиқ якунланиб, массивда барпо этилаётган барча уй-жой ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш ва оқова сувни канализацияга улаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Вилоятдаги “Янги Ўзбекистон” массивларида бунёдкорлик ишлари 2026 йилгача давом этади.

Сурхон воҳасида Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроси бўйича аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ипотека кредити



бозорини янада ривожлантириш, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тақдим этган ҳолда хусусий пудрат ташкилотларини замонавий кўп қаватли уйлар қурилишига кенг жалб этиш юзасидан изчил чоралар қўриляпти.

Фармонда белгиланганидек, бу йил вилоят аҳолиси 2 мингта квартира сотиб олиши ва 500 та яқка тартибда уй-жой қуриши учун тижорат банкларига 701,3 миллиард сўм кредит ресурси ажратилмоқда. Сотиб олинадиган квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун қатъий белгиланган миқдорда, яъни 32 миллион сўмдан субсидия берилмоқда. Даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларга давлат бюджетидан субсидиялар тўлашда квартира майдонининг энг кўп меъёрини

белгилаш амалиёти бекор қилинган. Аввал квартира харид қилмоқчи бўлган фуқарога 70 квадрат метргача жой меъёр қилиб белгиланган бўлса, энди фуқаронинг қурби етса, 100 квадрат метрдан ҳам кенгроқ квартира олиши мумкин. Фуқароларга ипотека кредитини олишда биргалликда қарз олувчи сифатида улар билан бирга яшамаётган ва яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахсларни ҳам жалб қилиш ҳуқуқи берилган.

Вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят бош архитектори Хайридин Абдуллаевнинг айтишича, фармон ижросини таъминлаш ва 2022 йилга белгиланган манзилли дастурга асосан, Термиз шаҳридаги “Саховат” массивида ҳар бири 45 хонадонли 2 та 9 қаватли, Тупроққўрғон маҳалласи худудиде ҳар бири 80 хонадондан иборат 2 та 16 қаватли, “Фаровон”

массивида 1170 та оилага мўлжалланган 6 та 14 ва 16 қаватли турар жой барпо этилмоқда. Йил охиригача 1320 та хонадондан иборат замонавий кўп қаватли уй-жойни эгаларига топшириш мўлжалланган.

Воҳа қурувчилари фақат шаҳарда эмас, опис қишлоқларда ҳам ипотека кредитлари ва субсидия ҳисобига янги уй-жой ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этмоқда. 2022 йилга мўлжалланган манзилли режага асосан, Денов туманидаги Нуриги манзил маҳалласи худудиде 100 хонадонга мўлжалланган 2 та 5 қаватли, Музработ туманидаги Янгиҳаёт маҳалласи худудиде 20 та хонадонга мўлжалланган битта 5 қаватли, Термиз туманидаги Учқизил қўрғониде 40 та оилага мўлжалланган 2 та 5 қаватли, Шеробод туманидаги Тароқли маҳалласида 40 хонадонга мўлжалланган 2 та 5 қаватли, Қумқўрғон туманидаги Боғаро-2 маҳалласи худудиде 40 та оилага мўлжалланган 2 та 5 қаватли уй қурилади. Шўрчи туманидаги Бўстон маҳалласида 170 та хонадонга мўлжалланган 4 та 5 қаватли уй ҳам тез орада фойдаланишга топширилади.

Фармон ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги баёнига асосан, туман ҳокимлари тақлифи бўйича яна 420 та хонадонли 5 қаватли 20 та уй қуриш назарда тутилмоқда. Бу уй-жойларни Музработ, Термиз, Шўрчи, Қизирик, Қумқўрғон туманларида барпо этиш учун ер ажратиш бўйича аукцион савдо ўтказилди. Айни пайтда пудратчи ташкилотлар кўп қаватли уйлар пойдеворини тиклашга киришган. Сароисиё айтганда, вилоятда йил охиригача жами 2250 та оилага мўлжалланган кўп қаватли, замонавий уй-жойлар қад ростлайди.

Хайридин Абдуллаевнинг қайд этишича, бу йил вилоят миқёсида қуриб фойдаланишга топширилдиган замонавий кўп қаватли уйлarning 50 таси вилоят ҳокимлиги маҳаллий бюджет даромадининг ошириб бажарилган қисми ва конунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан бирламча ва иккамлачи уй-жой бозориде сотиб олинди, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар, етим ёки ота-она қарамоғидан мақрум болаларга белгиланган тартибда ажратилади.

ЎЗБЕКИСТОН: ТИНЧЛИКСЕВАР, ЭШИКЛАРИ ОЧИҚ МАМЛАКАТ

ТАШАББУСЛАР ҚАНОТ ЁЙДИ
Диллар шод, тилларда шукронаБашират ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Кўшнинг тинч — сен тинч”. Донишманд боболарнинг ҳаётий тажрибаси маҳсули бўлиши бу ҳикмат қатида теран маъно-мазмун мужассам. Шу маънода давлатимизнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, дўстлик ва ҳамкорлик ришталари мустаҳкамлаши йўлида юритаётган сиёсати яхши қўшничилик аънавалари тимсолига айланаёттир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунлардан қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга киришди. Бу қўшни мамлакатлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик ва биродар халқлар томонидан ҳам қизгин қўллаб-қувватланди. Жумладан, чегара божхона постларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу нафақат халқимиз, балки қардош элларнинг ҳам дилидаги иш бўлди. Уларни неча йиллардан буён қийнаб келаётган муаммоларга қисқа фурсатда ечим топилди. Диллару йўл-

лар туташди. Масофалар яқинлашди, қардошлар, қавму қариндошлар қалбидан тушқунлик кўтарилди.

“Ўзимиз Туркистонда,
хаёлимиз Жиззахда”

Икки йиллик танаффусдан сўнг Сирдарё вилояти божхона бошқармаси “Сирдарё” чегара божхона постининг “Малик” ва “Оқолтин” чегара божхона пунктлари фаолияти тикланди. Чегара пункти одамлар билан яна гавжумлашди.

— Биз асли Ўзбекистонда, Тошкент вилоятида туғилганмиз, — дейди Қозғистон фуқароси Нурали Авазов. — 1976 йили Қозғистонга кўчиб кетганмиз. Туркистон вилоятининг Ёттисув (Жетису) туманида яшаймиз. Умр йўлдошим билан етти фарзанд — икки қиз, беш ўғилни воёга етказдик. Уқитдик, уйли-жойли қилдик. Киндик қони тўкилган тупроқни инсон кўмсайвераркан. Ахир шу ернинг нонини еб, сувини ичиб улғайганмиз. Қавму қариндошлар, дўсту қардонларимиз кўп бу ерда. Бундан ташқари, бир ўғлимиз Жиззах вилоятида яшайди. Кўп синовли йиллардан ўтдик. Бу ерга келиб яқинларимизнинг иссиқ-сувук кунларида ёнида бўлмамиз.

Йўл очилиши хайри иш бўлди-да. Шахсан мен шу кунларга етганимиздан жуда хурсандман. Узоғимиз яқин бўлди. Аввал “Ғиштқўпри” постидан айланиб етиб борардик. Йўлимиз узаярди, вақтимиз кетарди. Чегара қайта очилганини эшитишимиз билан йўлга ҳозирлик қўрдик. Мана, эрта-лабдан умр йўлдошимни олиб Жиззахга отландик. Хизматдаги чегара ходимларига раҳмат. Хушмуомала. Бу ерда кўп туриб қолмадик. 15-20 дақиқада ишимиз битди. Ўзимиз ҳам, машинамиз ҳам қўриқдан ўтказилди. Йигитлар оқ йўл тилаб кузатиб қўйди. Чегара постларидан у ёқдан-бу ёққа кўп ўтадим. Бугунги қувончимиз давом этсин.

Жаҳонгир ҲОТАМОВ,
Сирдарё вилояти божхона бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари,
божхона хизмати подполковниги:

— Тошкент — Термиз М-39 халқаро автойўлининг 24 километри Қозғистон Республикаси худудидан ўтган. Мазкур чегара божхона пунктларининг иш фаолияти куннинг ёруғ қисмида, яъни кундузи хизмат олиб боришга мўлжалланган. Икки томонлама битимга мувофиқ, ушбу божхона пунктлари орқали фақат энгил автотранспорт воситалари ҳамда фуқаролар божхона назорати ва расмийлаштиришдан ўтказилмоқда. Амалдаги тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қозғистон Республикаси орқали транзит ҳаракатланганда соддалаштирилган божхона ва чегара назоратидан ўтказилиб, чегара назорати томонидан фуқаролик паспортига белги қўйилмайди (бунда фақат фуқаролардан хорижга чиқиш паспорти талаб қилинади).

Бундан ташқари, мазкур божхона пунктлари орқали икки давлат фуқаролари ўз юмушлари билан ўрнатилган тартибда божхона ва чегара назоратидан ўтказилган ҳолда республикалар худудига ўтишлари мумкин.

Фаолияти эндигина қайта тикланган “Малик” божхона пункти орқали бир кунда ўртача 35-40 та автотранспорт воситаси ҳамда 80-100 нафар фуқаро ҳаракатланиши кузатилди. Бу кўрсаткич кун сайин ортади. Энг муҳими, халқларимизнинг узоғи яқин, оғири энгил бўлмоқда.



“Икки йиллик танаффусдан сўнг Сирдарё вилояти божхона бошқармаси “Сирдарё” чегара божхона постининг “Малик” ва “Оқолтин” чегара божхона пунктлари фаолияти тикланди. Чегара пункти одамлар билан яна гавжумлашди.

Инсон кадр-қиммати улуғ қадрият саналади. Қўшни мамлакатлар билан муносабатларда, йўлга қўяётган хайрли ташаббусларда ҳам, табиийки, ана шу жиҳат биринчи ўринга қўйилмоқда. Бу “Малик” чегара божхона пунктидаги одамлар ҳикоясида ҳам акс этган. Энг муҳими, божхона назорати соддалаштирилган тартибда амалга оширилиши белгиланган.

“Болагимиз ўтган
жойларни бир зиёрат қилиб
келсак...”

Чегара божхона постида самимий суҳбатлашиб турган нурунийларнинг ўзаро гурунги қўлоғимизга чалинди. Улардан бири: “Замони келибди, биз ҳам болагимиз ўтган жойларни бир бориб кўрсак, зиёрат қилиб келсак. Кексалик гашти-да буюм, таниш-билиш, қадрдонларимизни кўраимиз, суҳбатлашамиз, ёшликни эслаймиз”, дейди.

Нурунийлардан бири Турғун бобо Обидов 73 ёшни қаршилади. Унинг хотирилашча, болаликда қардош халқлар бир бўлоқдан сув ичган, мол-қўйи бир далада ўтлаган.

— Сирдарё туманининг Матонат маҳалласида яшаймиз. Эл-юртнинг хизматини қилдик, энди нурунийлар сафида кексалик гаштини суряпмиз, — дейди Турғун бобо. — Ёшлигимизда Оқолтин туманида ишлаганим боис, айни Қозғистон орқали ишга бориб-келардим. Кейин бу йўллар ёпилиб кетди. Азобини одамлар қўрди. Ярим соатда бориб дийдорини қўриб келса бўладиган жигарлар орасига масофа тушди. Хайрияти, икки давлат Президентининг оқилона сиёсати туфайли “Малик” пости қайта очилди, мушқулларимиз осон бўлди. Қолаверса, Тошкентдан Самарқандга ўтадиган йўл тирбанд эди. Энди мана шу муаммо ҳам ҳал бўлса керак. Бундан бугёна ҳам икки халқ орасидаги дўстлик муносабатлари, борди-келдилар янада мустаҳкамланади.

Дарвоқе, ҳамжихатликда, ўзаро ишонч ва аҳилчиликда гап кўп. Ҳали яхши қўшничилик муносабатларининг ташаббускори ва архитектори сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуслар эпкинни халқларимиз ҳаётига қатор энгилликлар, янгиланишлар на-фасини олиб киради.



Мазкур QR-кодни сканер қилиш орқали видеолавҳага ўтинг.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ИЛМИЙ ЮКСАЛИШ

янги тамаддунга элтади

Халқимиз қадимдан илм аҳлига, олимۇ фузалоларга юксак ҳурмат кўрсатган. Илм-маърифат билан машғул бўлганларни устоз, раҳнамо, мураббий деб улуғлаган. Ушбу анъана Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ҳам асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз ташаббуси билан илмий фаолият билан шуғулланаётганларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш тизими шаклланди. Янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгиланди. Бу ташаббуснинг тарихий, илмий ва зарурий асослари мавжуд.

учун устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Олий таълим муассасасининг рейтингини аниқлаш бўйича янги таълим шаклланиши ҳам бу йўлдаги бир қадамдир. Бу жараёнда илмий тадқиқотлар билан боғлиқ индикаторлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг чоп эттирган материалларидан иқтибос олинши даражаси, хорижий илмий журналларда нашр этилган илмий мақолалар, интеллектуал мулк воситаларига олинган сертификат (патент) лар, ёқланган докторлик диссертациялари, иқтисодиёт тармоқлари буюртмалари бўйича ўтказилган тадқиқотлар, шунингдек, давлат грантлари ҳисобидан олинган маблағлар салмоғи, хорижий илмий фондлар ва тадқиқот марказларининг грантлари ва буюртмалари ҳисобидан олинган даромад микдорига катта эътибор берилган. Бундай ёндашув, ўз навбатида, илмий-тадқиқот ишлари кўламини янада кенгайтириш заруратини юзага келтиради.

Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси

Тошкент давлат педагогика университети фаолиятида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси самараси, асосан, ишлаб чиқилган интеллектуал маҳсулотларнинг узлуksиз таълим тизимига татбиқ этилганда ўз ифодасини топмоқда. Олий таълим муассасаси ҳамкорлик ўрнатган ташкилотларнинг умумий сони 193 та бўлиб, аксарияти таълим даргоҳларидир. Ҳамкорларнинг 7 таси Фанлар академияси тизимидаги тармоқ институтлари бўлса, 49 таси олий, 56 таси профессионал, 58 таси умумий ўрта таълим муассасалари. Булардан ташқари, 23 та бошқа ташкилот билан ҳамкорлик асосида илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилган. Хусусан, кафедралик Фанлар академиясининг Зоология, Ботаника, Умумий ва ноорганик кимё, Геология, Тарих институтлари билан инновацион ҳамкорликка устувор аҳамият қаратган.



Фаоллигини ошириш, илмий-тадқиқот натижаларини таълим жараёнига татбиқ этиш механизмининг кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Янги ташаббуслар

Илмий фаолият рақамларда акс этганда...

Сўнги бир йилдан университетнинг илмий салоҳияти 42 фойдан 45 фойзга ошгани бежиз эмас. Бунга 55 нафар фан доктори ва 326 нафар фан номзодидан иборат илмий-педагогик жамоаси катта ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, 2021-2022 йилларда университет изланувчилари 168 та диссертация ёқлаган. Жумладан, бу йил 43 та диссертация химоя қилинди. Университетда педагогика, психология ва тарих иختисосликлари бўйича диссертациялар химоясини ўтказиш бўйича 3 та илмий кенгаш фаолият юритяпти.

Сўнги икки йилда университет ходимларининг 8 нафари профессор, 45 нафар доцент илмий унвонини олди. Профессор-ўқитувчиларимизнинг халқаро илмий нашрларда мақолалар чоп эттириш самарадорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фойз кўпайганини таъкидлаш жоиз.

Илмий ишларимиз давомчиси, шубҳасиз, ўсиб келаётган ёшлардир. Уларнинг тимсолида муассасамизнинг келгуси фаолиятини таъминловчи кучни кўрамыз. Шу боис, уларнинг униб-ўсиши, иқтидорини рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозир университетда 1 нафар Президент стипендиати ҳамда 9 нафар номдор давлат стипендиалари соҳибдорлари таҳсил олмақда. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан икки баробар кўпайган. Бу йил Тошкент давлат педагогика университети барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда олий таълим муассасалари таъсирини баҳоловчи THE Impact Rankings халқаро рейтингидан жой олди.

Университетнинг илмий-педагогик салоҳиятидан талабалар билан бирга ака-опаларига



Барно АБДУЛЛАЕВА, Тошкент давлат педагогика университети проректори, педагогика фанлари доктори, профессор

Илм-фаннинг мана шу улкан ва муҳташам, ноёб асосига таяниб, юртимизда замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш устувор вазифалардан бирига айланган. Жумладан, 2019 йил 29 октябрдаги "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги қонун ўзбек илм-фани тараққиётида ҳақиқий тарихий воқеа бўлди. Шундан сўнгра давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 октябрдаги "Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида илмий-инновацион фаолиятни ташкил этиш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш ва тижориллаштириш имкониятини оширишга оид устувор вазифалар белгилаб берилди.

Илмий тадқиқотлар ҳақида фикр юритганда Scopus, Science Direct, "Хирш" индекси (h-индекс), "Халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими", "технопарк", "форсайт", "технологиялар трансфери", "стартап", "акселератор марказлар", "Университет 3.0" каби кўплаб инновацион тушунчаларга дуч келямиз. Бу тушунчаларни нафақат аниқлаш, балки улардан амалда фойдаланишга лаёқатли кадрларни тарбиялаш долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Мазкур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида Тошкент давлат педагогика университетида ҳам профессор-ўқитувчилар, докторантлар, магистрантлар ва талабаларнинг илмий ижодий фаоллигини оширишга қаратилган илмий тўғрақлар ва семинарлар фаолиятини тубдан яхшилаш, конференциялар фаолияти самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқотлар ва лойиҳаларнинг сифатли бажарилишига эришиш,

“ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ҲАҚИДА ФИКР ЮРИТГАНДА SCOPUS, SCIENCE DIRECT, “ХИРШ” ИНДЕКСИ (H-ИНДЕКС), “ХАЛҚАРО SCIVAL АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ТИЗИМИ”, “ТЕХНОПАРК”, “ФОРСАЙТ”, “ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ”, “СТАРТАП”, “АКСЕЛЕРАТОР МАРКАЗЛАР”, “УНИВЕРСИТЕТ 3.0” КАБИ КўПЛАБ ИННОВАЦИОН ТУШУНЧАЛАРГА ДУЧ КЕЛЯМИЗ.

ёш олимлар фаолиятини мувофиқлаштириш каби устувор йўналишлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг шу йил 21 июндаги "Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори нафақат педагоглар, балки юртимизда ёш авлод тарбияси билан шуғулланаётган барча зиёлилар учун катта тўхта бўлди. Мазкур ҳужжатда университетнинг илмий журналини Scopus, Web of Science ёки бошқа халқаро маълумотлар базасига киритиш, олий таълим муассасасининг Times Higher Education ёки Quacquarelli Symonds халқаро рейтинг агентлигининг соҳавий, ҳудудий ёхуд тематик рейтинглари қиришини таъминлашга доир вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, қарордан ўқув даргоҳи фаолиятини халқаро талабаларга мувофиқ такомиллаштириш, унинг жаҳонда эътибор этилган олий таълим муассасалари рейтингига кириши борасидаги мавжуд муаммоларни тадқиқ қилиш ва натижалари юзасидан тақлифлар киритиш каби йирик ижтимоий аҳамиятга молик чора-тадбирлар ҳам ўрин олган. Ушбу топшириқлардан келиб чиққан ҳолда, Тошкент давлат педагогика университетида фаолият юритаётган ҳар бир профессор-ўқитувчининг индивидуал ва педагогик жамоа билан истиқболда бажарадиган амалий ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Белгиланган вазифаларни бажариш учун университетнинг барча моддий-техник ва илмий-методик салоҳияти сафарбар этилмоқда.

Рақобатбардорлик ва рейтинг индикаторлари

Бугун шиддат билан ривожланаётган дунёда инсон капиталига эҳтиёж ва уни янада бойитиш тараққий этаётган мамлакатлар

ҳавас қилган битирувчи синф ўқувчилари ҳам баҳраманд бўляпти. Жумладан, Тошкент шаҳридаги ўқитиш сифати паст, муҳити оғир бўлган 30 та умумтаълим мактаби ўқитувчилари учун таълим сифатини ошириш ҳамда ўқитишнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш бўйича семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Тошкент вилояти Оқўргон туманидаги 50 та ва Қуйи Чирчиқ туманидаги 53 та мактабга Кембриж методикаси бўйича сертификатга эга мутахассислар илмий-методик ёрдам кўрсатяпти. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга иختисослаштирилган мактабда университет профессор-ўқитувчилари информатика, математика ва физика фанларининг ўқув-методик таъминотини такомиллаштиришга қаратилган мақсадли ишларни амалга оширмоқда.

Ҳозир илм катта моддий манфаатдорлик келтирадиган даврда яшаймиз. Бу борада ҳам университет жамоаси муайян натижаларга эришганганини қайд этиш лозим. Жумладан, ўтган йили илмий-инновацион ишланмаларни тижориллаштириш орқали қарийб 2,8 миллиард сўм маблағ ишланган бўлса, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида бу кўрсаткич 4 миллиард сўмдан ошиб кетди. Бу дегани ҳар бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган маблағ қарийб 5,5 миллион сўмни ташкил этади.

Университетда Жаҳон банки Академик инновационлар фондининг "Олий таълим муассасаларида педагогика ва психология фанини ўқитиш амалиёти ва онгости соҳасига доир таълим бериш жараёнини такомиллаштириш" номидаги гранти доирасида "Психофизиология" ва "Психологик хизмат" илмий лабораториялари ташкил этилди. ЭРАСМУС+ дастурлари доирасида тўртта ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг битта фундаментал, битта инновацион ва иккита амалий лойиҳаси муваффақиятли бажарилмоқда.

Бу натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бу борада профессор-ўқитувчиларимиз билим ва тажрибасини муттасил ошириб келаётгани муҳим омил бўлаётди. Жумладан, шу йилнинг олти ойи давомида 79 нафар профессор-ўқитувчи малака ошириш, 4 нафар педагог илмий стажировкадан ўтди.

Бу саъй-ҳаракатлар билан чеklangмай, қисқа муддатда университет илмий салоҳияти 70 фойзга оширилади. Шунингдек, халқаро илмий ҳамкорлик асосида илмий-инновацион ишларда ҳудуддаги илгор тажрибаларни трансформация қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий мақолаларини чоп эттиришдаги

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



МАШИНАСОЗЛИК КЛАСТЕРИ

ишлаб чиқариш жараёнида юксак самарадорликка эришиш имконини беради

Шаҳзод ҒАФФОРОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластери — "AgroTech klaster" ташкил этилган мамлакатимиз аграр соҳаси учун катта янгилик сифатида қабул қилинди. Боиси, бир неча заводни бир ҳудудда жамлаш, саноат кластери воситасида уларнинг куч ва имкониятини янама мақсадга йўналтириш билан боғлиқ тажриба мамлакатимиз аграр соҳасида илк бор амалга оширилмоқда.



Шу ўринда мазкур кластерни ташкил этишга нима учун эҳтиёж сезилди, кластер фаолияти йўлга қўйилган, иқтисодий самарадорлик қандай бўлади, деган саволлар пайдо бўлиши табиий.

Президентимиз 2021 йил 5 июль кўни қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда кимё саноатидаги лойиҳалар тақдими билан танишиб, Тошкент ва Чирчиқдаги қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришга иختисослашган заводларни саноат кластери усулида янама майдонда бирлаштириш ташаббусини илгари сурган эди.

Ўтган даврда Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводидан ишлаб чиқариш майдонлари 68 фойзга мақбуллаштирилиб, усуналардан фойдаланиш самарадорлиги оширилди. Натижада маҳсулот таннархи 4,6 минг АҚШ долларига пайсаиди ва қарийб 45 миллиард сўм иқтисод қилинди. Хорижий ишлаб чиқарувчилар билан музокара-лар ўтказилиб, 80-100 от кучига эга тракторлар нархи 15-20 фойз арзонлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари корхоналарнинг технологик ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, аграр соҳани замонавий техника билан таъминлаш бўйича вазифалар кўплигига, тармоқда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси 19 фойз, маҳаллийлаштириш ўртача 20 фойз экани мутлақо қониқарли эмаслигига, маҳаллий техника нархи импорт техникакигига нисбатан 10-15 фойз қимматлигига эътибор қаратган эди.

Президентимизнинг 2021 йил 11 ноябрдаги "Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғри-

ишлаб чиқариш жараёнида яхлитликни таъминлаш орқали юксак самарадорликка эришиш имконини беради. Мисол учун, 1 200 та ускуна ва жиҳоз, 28 турдаги техника оптималлаштирилиб, ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш 85 фойзга, маҳаллийлаштириш 50 фойзга етказилади. Натижада маҳсулот таннархи 20 фойз пасайиб, корхоналарнинг рентабеллик даражаси 10 фойз ошиши кутилмоқда.

Айни кунларда кластер жойлашган Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ҳудудидаги бўш ишлаб чиқариш майдонларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари жадал олиб боришмоқда. Объектнинг умумий майдони 17,46 гектар бўлиши, бинолар майдони эса 76 348 квадрат метр-ни ташкил этиши кўзда тутилган. Бугунги кунда 33 минг квадрат метр бинони капитал таъмирлаш, 44 минг квадрат метр янги бино ва иншоот қуриш қизғин давом этапти. Ҳозирча жами 153 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари ёки лойиҳанинг 25 фойзи бажарилди.

Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини 2023 йилда тўлиқ ишга тушириш мўлжалланган. Ушанда йиллик ишлаб чиқариш ҳажми тахминан 15 мингга техникани ташкил этади.



“1000 НАФАР ИШЧИ GMS ТИЗИМИГА ЎҚИТИЛИБ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ ОШИРИЛАДИ. 60 ЙИЛЛИК МИНГА ЯҚИН ЭСКИ УСКУНА ЯНГИСИГА АЛМАШТИРИЛИБ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ. КЛАСТЕР ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН, 1000 ДАН ЗИЁД КИШИНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ.

сида"ги қарори билан "AgroTech klaster" фаолияти йўлга қўйилди.

Қарорга асосан, "Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖ, "Агрегат заводи" АЖ, "Техноло" АЖ, "Техноло-Стан" МЧЖ, "Агротехнопарк" МЧЖ ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисми Чирчиқ шаҳридаги "Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖ ҳудудига кўчирилиши белгиланди ҳамда мазкур корхоналар ушбу кластерга бирлашадиган бўлди.

Чирчиқ шаҳрида саноат тармоқларининг ички имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги машинасозлигига ишлаб чиқариш жараёنларини мақбуллаштириш, тўлиқ цикли ишлаб чиқариш тизимини яратиш ҳамда ер майдонлари ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш эҳтиёжи юзага келаётганда, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластери ташкил этилиши билан бу масала ўз ечимини топди.

— Илгари қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарадиган заводлар тарқоқ ҳолатда эди, — дейди кластер раҳбари Бахтиёр Абдураҳмонов. — Бир неча завод Тошкент шаҳрининг турли ҳудудларида, яна бири Чирчиқ шаҳрида жойлашганди. Кластер ташкил этилгани қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришда замонавий ёндашувни йўлга қўйиш, заводларни бир ҳудудда жойлаштириш, куч ва имкониятни бирлаштириш,

Кластерда комбайн, трактор, осма ва тиркама техника ишлаб чиқарилади. Уларни ички бозорга, қўшни давлатлар, шунингдек, Озарбайжон ва Грузияга ҳам экспорт қилиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, 1000 нафар ишчи GMS тизимига ўқитилиб, ишлаб чиқариш салоҳияти оширилади. 60 йиллик минга яқин эски ускуна янғисига алмаштирилиб, модернизация қилинади. Кластер фаолияти йўлга қўйилган, 1000 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланади.

Сервис соҳасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 110 та мобил бригада, 14 та ҳудудий сервис маркази ва шу ҳудудда 14 та кўчма устaxonа иш бошламоқда.

Миллий трактор яратиш лойиҳаси бўйича ҳам жадал ишлар олиб бориляпти. Бу борада Ҳиндистон, Туркия ва Хитойнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан музокара ўтказилди.

Мухтасар айтганда, қишлоқ хўжалиги техникаси корхоналарининг янама кластерга бирлаштирилиши натижадада логистика харажатлари камаюди. Замонавий энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш эвазига маҳсулот таннархи сезиларли даражада арзонлашади. Янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланади. Мўҳими, мамлакатимиз аграр соҳаси учун замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини узлуksиз етказиб бериш, ишлаб чиқариш жараёнида сифат ва самарадорликка эришиш имконияти яратилади.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МУНОСАБАТ



“ФИРОҒИЙНИНГ ИККИ ЭЛИ БОР...”

Истиқлол қарвонимиз қадамларига шахду шижоат иниб, илгари қузатилмаган юксалишлар сари юз тутар эканмиз, Янги Ўзбекистонда ташқи дунё билан ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳам янги-янги уфқлари кенг очилмоқда. Хусусан, Туркменистон Республикаси Президентининг юртимизга ташрифи ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик-биродарлик, қон-қардошлик, меҳр-оқибат ришталарининг янги замонда янада мустақамланиб, янгича руҳ ва амалий жараёнларда бардавом бўлишидан далолатдир.



Гавҳар ИБРОДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Туркменистон Республикаси Президентининг
Ташрифи билан
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

эга. Ана шу яқинлик, беназир аъналар мамлакатларимиз ўз мустақил йўлини танлаган тарихий паллаларда ҳам халқаро қонунчилик мезонлари доирасида бардавом бўлди. Айниқса, кейинги беш йилда Янги Ўзбекистонда жамиятнинг ҳар бир жабҳасида ҳаётбахш ислохотлар янада шиддатли тус олгач, бу борада ҳамкорликнинг янги-янги қирралари очилмоқда.

Хусусан, 2017 йил 6 март куни Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида Хоразм вилояти ва Дашоғуз вилояти ҳокимликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. Бугунги кунда вилоятда Туркменистон Республикаси ишбилармон доира вакиллари билан ҳамкорликда хорижий инвестиция иштирокида ташкил қилинган 28 та қорхона фаолият кўрсатмоқда.

2021 йилда икки вилоят ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 11,5 миллион долларни, шундан 6,1 миллион доллари мева-сабзавот, қурилиш маҳсулотлари, хизматлар экспортини ҳамда 5,4 миллион доллари минерал ўғит, дизель ёнилғиси маҳсулотлари, ойна, пластмасса маҳсулотлари импортини ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг олти ойида ташқи савдо айланмаси ҳажми 6,6 миллион доллар бўлди.

Президентимизнинг чегараолди савдо зонасини ташкил қилиш бўйича қабул қилинган “Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги (2022 йил 18 январь) қарорига мувофиқ, Хоразм вилояти Шовот туманида Ўзбек-Туркман чегара савдо зонасини барпо этиш белги-лангани воҳамиз аҳлини ниҳоятда қувонтирди.

Айни кунда вилоятга ҳудудий жиҳатдан энг яқин масофада жойлашган ҳамда минимум даражадаги транспорт харажатлари ҳисобига вилоятда етиштирилган маҳсулотларнинг рақобатбардорлиги сақлаб қолинадиган ягона бозор ҳисобланувчи Дашоғуз вилояти билан ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг ривожлантириш, бунда иккала томон учун ҳам манфаатли ҳисобланувчи чегараолди савдо зонасини ташкил қилишни тезлаштириш бўйича илк амалий қадамлар қўйилди. Жумладан, Шовот туманининг чегараолди ҳудудларида мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, умумий ер майдони 10 гектар бўлган савдо марказининг қурилиш лойиҳаси тақлифи ишлаб чиқилиб, тегишли идора ва ташкилотлар билан келишилмоқда.

Бу эзгу ниятларга эришилмаган бўлса, Хоразм вилоятида етиштирилаётган маҳсулотларнинг қўшниларимиз талабгорлиги ҳамда аҳолининг ташқи савдо борасида тарихан шаклланган ҳамкорлик кўникмалари Туркменистон Республикаси билан ташқи савдони ривожлантиришда маълум бир устунликлар туғдирида ҳамда ушбу амалиётнинг жорий қилиниши орқали мамлакатимизда мавжуд бўлган валюта ресурсларини тежаган ҳолда, вилоят эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни импорт қилиш имкони яратилди.

Демак, истиқболда Туркменистонга вилоятимиздан мева-сабзавот, узум, полиз ва дуккакли экинлар, транспорт воситалари, қурилиш-пардозлаш материаллари, мебель, тайёр тўқимачилик ва бошқа кўплаб озиқ ва ноозик-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш мумкин. Ўз навбатида, Туркменистондан вилоят эҳтиёжи учун дизель ёнилғиси, полипропилен, битум, кимё саноати маҳсулотлари, омухта ем, ойна каби маҳсулотларни нисбатан арзон нархларда харид қилиш имкони яратилди.

Албатта, бундай дўстона алоқалар минтақамизда ҳукм суриб турган тинчлик-омонлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, хоразмча айтганда, оғизбирчилик муҳитида янада кенг қўлоқ ёзади. Туркменистон Президентининг юртимизга тарихий ташрифи келгусидаги ана шундай эзгу ҳамкорликларга мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан ҳам Янги Ўзбекистонда ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб, шукроналикда яшаётган ҳар бир ватандошимизга дахлдордир!

Айтинг, Фирогийнинг икки эли бор —
Бери Атрак бўлса, бери Хоразм.
Айтинг, Фирогийнинг икки қизи бор —
Бери ўзбек бўлса, бери туркман.

Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов эса Махтумқули, Камина, Зеллийи каби туркман шоирлари сўзини куйга солиб айтиб, икки элдан катта шухрат толгани ҳам дилларга муҳланган ҳақиқатдир.

Шу ўринда яна бир қур олис ўтмишга назар солишимизга тўғри келади. Буюк Ипак йўли устида жойлашган бу икки эл ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқалар ҳам узок тарихга

Муҳаммад ШОДИЙ,
Ўзбекистон Ўзвучилар
юшмаси аъзоси

Мамлакатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат бўлса-да, унинг бағрида бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб келаётган турли миллат ва элатлар аслида бир халқ — Ўзбекистон халқи. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу халқнинг табиатини, менталитети асосини том маънодаги олижаноблик, эзгулик ва бағрикенглик ташкил этади.



КҮНГИЛДАГИ ГАП

ҚАЛБИ ҚУЁШЛИ
ИНСОНЛАР МАМЛАКАТИ

Қуёшли Ўзбекистонга келган ҳар бир сайёҳ меҳр тафтини ҳам ҳис этиши табиий. Жаннатмонанд ўлканинг нафақат тарихий обидалари, бетақор манзаралари, одамларнинг меҳмондўстлиги, айни пайтда бу заминда умргузаронлик қилаётган турли халқларнинг бир-бирига бўлган самимий муносабати ҳар қандай хорижликни ўзига мафтун этади. Бу ердаги ёр-биродарликка тан бериб, илқ таасурот билан ўз диёрига қайтаётган европалик бир сайёҳ: “Кўп миллатли Ўзбекистон қалби қуёшлар мамлакатидир. Бу ердан нур олиб кетяпман”, деганди ҳаяжон билан. Шундай. Бу ердаги дўстона муносабатлар, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибатнинг кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилаётгани айтиш ҳақиқат.

Ўзбекистон умумий уйимиз бўлса, Марказий Осиё, қайсидир маънода умумий жойимиз. Минтақада ҳаёт кечираётган ўзбек, қозоқ, тожик, туркман ва қирғиз аждодининг қардошлик илдизи узоқ асрларга бориб тақалади. Турли халқларнинг тарихи, адабиёти, маданияти,

қучайтириш сиёсатимизнинг энг муҳим тамойилларидан бири”, деб белгилади. Унинг Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга қилган давлат ташрифлари халқларимиз дўстлиги тарихида янги саҳифалар очди.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари этиб сайланганидан сўнг кўшчилар билан алоқаларни тиклаш бўйича фаол чора-тадбирларни амалга ошираётганини эътироф этиб, Япониянинг нуфузли журнали “The Diplomat” журнали Катерин Пуцнинг таҳлилий мақоласини чоп этди. Шарҳловчи ёзади: “Ўзбекистон раҳбари қисқа вақт ичида Туркменистонга уч мартаба, Қозғистонга тўрт марта, Қирғизистонга бир мартаба ташриф буорди. Олдинда — Тожикистонга расмий ташриф...”

Мақолада, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг Тожикистон билан чегарада тўққизта ўтказиш пунктини очиш ҳақидаги қарорининг юқори аҳамиятга эгалиги қайд этилган. Шарҳловчининг эътироф этишича, “Мазкур қарор орқали Тошкент ўз сиёсий иродасини

Шавкат Мирзиёев шу йўлдаги сайёҳ-харақати билан нафақат Ўзбекистон муҳитига, балки Марказий Осиё минтақаси иқлимга тоза ҳаво, янги руҳ олиб кирди, десак асло муволага бўлмайди. Дарвозалар очилди. Узоқ йиллар давомида бир-бирини кўрмаган қариндош-жигарлар, дўст-биродарларга дийдор давлати кучоқ очди. Янги Ўзбекистоннинг бутун минтақага ижобий таъсири ҳақида хориж матбуоти ҳам бот-бот ёзмақда.

Қўйдаги сатрлар муаллифи эса Фарғона вилоятининг олис ҳудудларидан бири — Сўх туманидан: “Анклав ҳудудда ҳам йиллар давомида ййгилиб қолган муаммолар ўз ечимини топиб, тоғли ер бутунлай бошқача қиёфа касб этди. Туманимизга вилоят марказидан авиакатновлар йўлга қўйилди. Сўх — Риштон автомобиль йўли тикланди. “Йўли очкининг — бахти очик”лигини заҳматкаш Сўх халқи миннатдор қалб ила ҳис этди. Турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустақамлаш учун қулай шароит яратилди.

Яқинда 200 ўринга мўлжалланган “Сўх” болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди. Оромгоҳнинг тантанали очилиш маросимида Тожикистон ва Қирғизистондан келган меҳмонлар ҳам иштирок этди. Машҳур хонандалар, бадий жомоалар ижросида турли тилларда Ватан, истиқлол, дўстлик, ҳамжиҳатликни тараннум этувчи қўшиқлар янгради.

— Томирларимизда туғишганлик, жигарбандлик қудрати бор, — деди бир қўшни давлат намояндаси. — Биз, зиё ва санъат аҳли, халқларимизни янада жипслаштириш йўлида бор кучимизни, истеъдодимизни сафарбар қилишимиз керак.

“Санъат — дўстлик кўприги” шиори остида Қирғизистон Республикаси Боткен туманининг Сўхдаги маданият кунлари ҳам бағоят қизиқарли ўтди. Икки қардош туман раҳбарлари



“Яқинда 200 ўринга мўлжалланган “Сўх” болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди. ОРОМГОҲНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ТОЖИКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОНДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ. МАШҲУР ХОНАНДАЛАР, БАДИЙ ЖОМОАЛАР ИЖРОСИДА ТУРЛИ ТИЛЛАРДА ВАТАН, ИСТИҚЛОЛ, ДЎСТЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ТАРАННУМ ЭТУВЧИ ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАДИ.

ижтимоий жиҳатлари ўзига хос, албатта. Бироқ зикр этилган жиҳатларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам яқоқ билинади. Қадриятлар, урф-одатлар бир-бирига жуда яқин. Бу, биринчи навбатда, бир бўлоқдан сув ичган, бир ҳаводан нафас олган, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бир-бирига елкадош бўлиб келган Туркистон аталмиш қадимий заминнинг турли миллатга мансуб аҳолиси асрлар оша яқин қўшничилик таомиллари риюя этган ҳолда умргузаронлик қилганидан далолат.

Яқин ўтмишда минтақадаги беш мустақил республика орасидаги муносабатлар барчамизга маълум. Мафжуравий таҳдидларни ифодаловчи бузғунчи ғоялар, ахборот хуружи, хориждаги ичқорлар давлатларимиз орасидаги яқин қўшничилик алоқаларига раҳна солиб, ҳатто минтақавий можаролар авж олишига сабаб бўлди. Бу нималарга олиб келди? Биринчи навбатда, оддий халқ жабр кўрди.

Араз одамни ичидан емира бошлайди, деган гап бор. Буюк ёзувчи Чингиз Айтматов минтақадаги вазиятни тушунолмай шундай деганди: “Туркистон деб аталмиш умумий уйда яшаган бўлсалар, бир тилда сўйлашиб, битта тилда ёзган бўлсалар, хўш, нима учун биз йўқ жойдан муаммо чикариб, бошимизни оғритишимиз керак?”

Давлатимиз тарихида янги давр бошланганига ҳам олти йил бўляпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни

намоён қилди”. Мақола шундай сўзлар билан яқунланган: “Шавкат Мирзиёевнинг Душанбега ташрифи нафақат минтақада, балки дунёда катта умид уйғотмоқда. Ушбу ҳодиса бугун минтақавий ҳамкорликка нисбатан кенг миқёсдаги ёндашувнинг таркибий қисми бўлиб, Тошкент ўз ташқи сиёсатида айнан шундай тамойилга амал қилаётир”.

Президентимизнинг Тожикистонга давлат ташрифи қай даражада самарали кечгани барчамизга маълум. Машҳур ҳофиз Жўрабек Муродов шундай дейди: “Тожикистон халқи 1945 йил 9 май — Ғалаба кунда қандай хурсанд бўлган бўлса, 2017 йил 11 март куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Душанбега қилган сафарига шундай қувонди. Мен бу гапимни Америкада, Францияда, Австрияда ҳам айтганман...”

Давлатимиз раҳбари маърузаларининг бирида ўз раҳбарлик позициясини қуйидагича изоҳлади: “Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро хурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачигидек сақлаш ҳамда мустақамлашни ўзимнинг устувор вазифам деб биламан”.

томонидан 2022 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик, қўни-қўшничиликка қаратилган меморандум имзоланди. Қирғиз хонандасининг “Қариндас” қўшиғи тадбирга ўзгача завқ бахш этди. Эзгу ниятларимизга қариндошларнинг хайрихоҳлиги баралла сезилди, диллар равшан тортиди, руҳлар кўтарилди.

Сўлим Сўхда, асосан, тожиқзабон юртдошларимиз истиқомат қилса-да, бу ердаги замонавий ахборот-ресурс маркази жаҳон адабиёти дурдоналарига тўла. Китобхоналар Айний ва Турсунзода билан бир қаторда, Навоий ва Ғафур Ғуллом, Абай ва Улжас Сулаймонов, Чингиз Айтматов ва Берди Кербобоев асарларини ҳам севиб мутолаа қилади.

“Яхшига дўст кўп, ёмонга йўқ қардош”, деганди Махтумқули. Донишманд Абай эса: “Дўсти йўқ билан сурилаш, дўсти кўп билан сийлаш”, деган.

Марказий Осиё халқлари орасидаги бундай аҳилликни кўра олмайдиغانлар, афсуски, аввал ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши табиий. Лекин то истак ва иродамиз мустақам экан, муаммо ва тўсиқларни енгиб ўтишга қудратимиз етади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.
82285 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида басилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов
Мусаҳҳиж: Маллоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 01:36 Топширилди — 02:15